

Xalqaro atom energiyasi agentligi bilan muloqot

ХАЛҚАРО АТОМ ЭНЕРГИЯСИ АГЕНТЛИГИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Вена шаҳрида Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори Юкия Амано билан учрашди.

“Ўзатом” агентлиги матбуот хизматининг хабар беришича, мулоқотда юртимизда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, мазкур тармоқнинг тиббиёт ва бошқа соҳалар ривожигаги ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Маълумки, ўтган йили октябрда Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси ни қуриш лойиҳасига старт берилганди. Ўша пайтдан бошлаб республикада махсус ташкил қилинган “Ўзатом” агентлиги томонидан мазкур йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Халқаро атом энергияси агентлиги талаблари ва тавсияларига риоя қилишга содиқлиги, хусусан, ядро хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бошқа йўналишлар билан боғлиқдир.

Учрашувда Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори радиацион ва ядровий хавфсизликни таъминлаш ҳамда кучайтириш, шунингдек, техник ҳамкорлик доирасида лойиҳа-

ларнинг амалга оширилишидан мамнунлигини билдирди. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда АЭС қурилиши таълим тизимини такомиллаштириш, ядро-муҳандислик фанлари, қурилиш саноати ва энергетика ривожланишига мустаҳкам замин яратади.

Юкия Амано Халқаро атом энергияси агентлиги бундан кейин ҳам Ўзбекистонга, шу жумладан, атом электр станцияси қурилиши жараёнида техник ва эксперт ёрдамини кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Маълум қилинишича, яқин кунларда Тошкентда Халқаро атом энергияси агентлиги экспертлари иштирокида навбатдаги семинар бўлиб ўтади.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.